

“БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ” АТАМАСИ ТАҲЛИЛИ

Нажмиддин Низомиддинов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Диншунослик ва жаҳон динларини

қиёсий ўрганиши UNESCO” кафедраси профессори в.б.,

филология фанлари доктори

Маълумки, бобурийлар ҳали сулола сифатида илмий истифодага киритилишидан муқаддам ҳиндистонликлар орасида «Мўғули аъзам» атамасида тилга тушган эди. Шу сабабдан бўлса керак, уларнинг тарихи расман илмий муомалага киритилганда ҳам, айни ном таржимада «Буюк мўғуллар» дея аталиб, шу-шу дунёнинг барча гўшаларидаги нашрларда бобурийлар насли мўғуллар сирасидан эканлиги билан «муҳрланган». Бобурийларнинг «мўғуллар» деб номланишига ўз вақтида акад. В.В.Бартольд эътиroz билдириб, сулолага хато атама берилганлигини қисқача шундай асослаган эди: «Европаликлар Темур ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун «Буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар».

Ким билсин, ўтган асрнинг тахминан 30-йиллари оралиғида олим томонидан бобурийларнинг нотўғри номланиши ҳақида билдирилган эътиroz илмий жамоатчилик томонидан тасдиқланганми ёки йўқ, ҳозир номаълум?!

Муҳими, Ўзбекистон фанининг шиҷоатли фидойилари ҳам В.В. Бар-тольд каби илмий тадқиқот ва нашрлардаги айrim муаммоли атамаларга аниқлик киритиш борасида жонбозлик кўрсатишдан ўз хизматларини дариг тутмадилар.

Хусусан, пировардида бобурийларга нисбатан хато атама қўлланувига бизда биринчи бўлиб эътиборни қаратган проф. Ҳ. Сулаймонов 1969 йили Самарқандда ташкил қилинган «Темурийлар даврида Марказий Осиё санъати» халқаро симпозиумда масалага ниҳоятда муҳтасар ва мусаллам – ўзга талқини йўқ равишда ойдинлик киритган, яъни: «Темур ва темурийлар ўз этногенезислари бўйича ўзбеклардан эди, шу жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам!».

Шу ерда яна бир жиҳатни таъкидлаб қўйиш жоиз кўринади, яъни Ҳиндистондан тарқалиб дунё илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган сулола атамасидаги «буюклик» сифатини ўзбек тарихчилигига ҳам истифода этиш вақти келганлигини. Зоро, сулола ўз фаолияти ва шонли тарихи билан ўзбек тилида ҳам «Буюк бобурийлар» деб аталишга мутлақо ҳақли!

Марҳум устоз Ҳамид Сулаймонов бошлаб берган атамаларнинг таҳ-рири хусусидаги ҳайрли анъана, айниқса, мустақиллик йиллари кенг кулоч ёзди. Агар шу нуқтаи назардан атамалар таҳрири жараёнига тегишли ми-соллар

орасидан бевосита мавзумизга тааллуқли «Бобурнома» устида олиб борилған ишлар натижасига келсак, унинг мазмунини проф. С.Ҳасанов шундай изоҳлайди: «Бобурнома»нинг ўзбек тилидаги мавжуд нашрларида Афғонистон ва Ҳиндистонга оид номларнинг жорий алифбомиздаги матнида фарқлар кўп учрайди, биз имкон доирасида уларнинг аниқроқ ифодасини беришга ҳаракат қилдик.

Асарнинг кирил алифбосидаги матнларида мавжуд фарқланишлар юзасидан амалга оширилган кўп йиллик изланишлар, дарҳақиқат, ўз салмоғи билан таҳсинга сазовор. Лекин кези келгандан, ҳиндий тилидан олинган атамалар таҳрири юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўз даврида ҳатто маҳсус санскритни ўрганганд Берунийнинг ҳиндлар тилидаги баъзи сўз-ларнинг талаффузи мушкул эканлигини ёзганлиги бежиз эмасди.

Ҳа, асарнинг асли матнидаги барча ҳиндча сўзларни мутахассислар томонидан ўз асли асосида таҳрир қилиниб чоп этилиши, бу шубҳасиз муҳим илмий аҳамиятга молик иш. Аммо шунинг қаторида, бордию, келгуси нашрларда «Бобурнома»даги таҳрир этилган барча сўзлар асл араб алифбосида ёзилганича қолдирилиб, уларнинг таҳрири эса иқтибос остида берилса, нур устига аъло нур бўлурди. Чунки қиёсан олганда, нафақат бор-йўғи тўрт йил Ҳиндистонда яшаган Бобур, балки Аврангзеб воқеанависи Мұхаммад Мустаъидхон Соқий ҳам «Маъосири Оламгирий» асарида ҳинд, бенгал ва бошқа ерлик тиллардаги ном, макон, вақт ва ўлчовлар ёзмасини ўз талаффузи бўйича қайд қилган.

Сир эмаски, собиқ шўролар даврида тарихий воқелик ва ҳодисотларга мавжуд мағкура тақозоси билан ёндашишлар, яъни миллий қадриятларга ён босувчи омиллар ёки тузум талабига жавоб бермайдиган ҳақиқатлар четлаб ўтилар ва натижада пайдо бўлувчи «кемтиклар анъанаси»га ёзилмаган қонун асосида амал қилинарди. Лекин шундай миллий тафаккур тарзи чекланган сиёsat ҳукмронлиги даврида ҳам ўзбек олимлари ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид мақолалар ва рисолалар қатори, ҳаттоқи, «Бобурнома»нинг расман чоп этилишидек масъулиятли ишга қўл уришга жазм қилганлар. Бу жабҳада олимлардан Ҳ.Ёқубов, П.Шамсиев, С. Мирзаев, ва 60-йилларда эса М.Салье, В.Зоҳидов, С.Азимжонова, А.Қаюмовлар ўз изланишлари билан бобурийлар тарихи, санъати ва адабиётининг илмий тарғиботига муносиб ҳисса қўшганлар.

Аммо афсуски, шуниси ҳам ҳақиқатки, «бу илмий ишларда – оммабоп мақола ва рисолаларда Бобур ижоди, унинг бадиий маҳоратига йўғрилган миллий ва ижтимоий-ғоявий дунёқараашларининг барча қирралари юқори-даги сабаблар боис рўй-рост ва ҳаққоний таҳлил этиб берилгани йўқ. Ва фақат истиқлол берган маънавий ва маърифий эркинлик, ниҳоят, илм аҳлига ўтмиш аждодларнинг фаолияти, илмий-ижодий мероси ва турмуш тарзи тажрибаларини ўрганиш ҳамда уларни реал баҳолаш имконини берди. Шу мавзу бўйича борди-ю, ўтган асрнинг 70-йилларидағи чет эллик, хусусан,

Ғарбий Европа бобуршунослари илмий ишларига юзлансак, улар Бобурнинг давлатчилик фаолиятидан кўра кўпроқ, асосан, унинг шахсияти, адабий ва саркардалик иқтидори хусусига зўр берганликларини кўрамиз: «Бобур администратор ва давлат арбоби сифатида бирор жиддий тадбир қўлламаган, ҳа, у ҳақиқатда етук саркарда ва адиб бўлган, лекин давлат арбоби эмас».

У ҳолда хорижий тарихчилар хulosасидан шундай бир савол туғилади: «Башарти ҳар қандай экилган мева дарахтининг сифати унинг уруғида мужассам ҳосилига қараб белгиланса, Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири пандит Жавоҳирлал Нехрунинг одилона хulosалаган «Ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўхна орзуни қайта тиклаган Акбар даври» худди ўша Бобурнинг давлат арбоби сифатида ҳинд заминига ўтқазган ниҳолининг меваси эмасмиди?» Қолаверса, Бобурнинг ўзи ҳам 1526-1530 йиллар мобайнидаги тарихан ниҳоятда қисқа муддат ичida мамлакатда аввало диний бағрикенглик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини бунёд этиш ҳамда ривожлантириш борасида бир талай давлат манфаатларига хизмат қилувчи ибратли тадбирларни амалиётга тадбиқ этиб улгурган эди. Шу боисдан ибтидодан бобурийлар сулоласига берилган “буюклик” рамзи ҳам, тарихан ўзини оқлаган ҳақиқат!